

# ЖОШЛИК ЎЗБИ



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

24 февраль, жума, 1995 йил  
Сотувда эркин нархда. № 40 (1042)

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ — ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ



натижаларга қарамасдан, хотиржам бўлишимизга ҳали асос йўқ. Биз XXI асрда яшайдиган янги уйимизнинг пойдеворини қуришни бошладик, ҳолос. «Ўзбекистон янги аср бошида» деган узоқ мuddатга мўлжалланган, кенг қамровли ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тadbик этиш вақти келди.

Бу дастурда ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватандошимизнинг бугунги ва келажак манфаатлари ўз ифодасини топиши лозим.

Мустақилликка эришган кунимиздан буюн ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида улкан ва жиждий ўзгаришлар юз берди.

Авваламбор, давлатимизнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди.

Вақиллик ҳокимиятини вуқудга келтиришнинг жаҳондаги энг демократик тизимларидан бири ташкил этилди. Ўзбекистон парламенти — Олий Мажлис илк марта кўппартиявийлик асосида шайланди.

Ҳокимият бўлинишининг конституцион тамойиллари асосида қатор қонунлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Ижро ва суд ҳокимияти тармоқлари шаклланди.

Мамлакатимизда сиёсий ўзгаришларга мос равишда илҳам, очик ва тadbирли ривожланишга эга бўлган ижтимоий тизим яратилди. Шу тadbирли биз ўтмишни баҳолашда барча фуқароларнинг ҳамфайрлигига, умумийлик ақидасига эришмоқчи. Сиёсий ислохотларнинг ҳар томонлама чуқурлашиши учун қўлдан кўришмоқчимиз.

Барчамизга аёнки, яқин ўтмишда қилган ишларимизни, фаолиятимизни эслар эканмиз, авваламбор, олдимизда турган улкан вазифалар ҳақида гапиришимиз табиийдир.

«Бугун биз қандай давлат қураётмиз? Унинг сиёсий ва ижтимоий негизи, унинг қўб-қўб қандай бўлиши керак? Янги демократик жамият шаклланишида унинг таъсири қандай бўлади?» — деган саволларга жавоб топиш, бу ҳусусда атрофлича фикр юритиш фурсати етди.

Албатта, бу масалалар бизнинг Конституцияимизда ўз ифодасини топан. Мақсадимиз аниқ — бозор иқтисоди тамойилларига асосланган, эркин, очик, демократик давлат қуриш. Бироқ ана шу мақсад сари қадам қўя эканмиз, қураётган давлатимизнинг шаклини, қиёфасини ўзимиз аққол тасаввур қилишимиз керак. Шу мақсадга эришиш учун жамиятимизнинг тараққиёт босқичларини аниқ белгилаб олишимиз зарур.

Булар мураккаб, айлани пайтда фоят муҳим масалалардир. Биз бу саволларга қанчалик тўғри жавоб топа олак, адолатли, демократик жамият қуришнинг энг мақбул ва маърифий йўллари шунчалик тезроқ топа-ламиз. Халқимиз келажаги, Ватанимиз иштиқоли ана шунга боғлиқ.

Давлат қурилиши борасида танқидий нукта назарис қабул қилинадиган мақсадлардир. Биз бу саволларга қанчалик тўғри жавоб топа олак, адолатли, демократик жамият қуришнинг энг мақбул ва маърифий йўллари шунчалик тезроқ топа-ламиз. Халқимиз келажаги, Ватанимиз иштиқоли ана шунга боғлиқ.

Хар бир давлат — бетакдор ижтимоий ҳодисадир. У хар қилиш халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилдир, унинг ўзига хос, ўзига мс маданияти ривожининг натижасидир.

Биз ҳозир ўзгаришлардан со-

### БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING БИРИНЧИ СЕССИЯСИ Тўғрисида АХБОРОТ

23 февраль куни Тошкентда биринчи чақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси иш бошлади. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Қаримов қатнашмоқда. Унда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқати, Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вақили Халид Малик, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналарининг раҳбарлари ва ваколатхоналарининг вақиллари иштирок этмоқда.

Сессиянинг биринчи мажлисини Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ. Аҳмедов очди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат маъҳияси ижро этилади.

Депутатлар Олий Мажлисининг Мандат комиссияси ва унинг раисини сайлайдилар.

Қисқа танаффусдан кейин Олий Мажлис депутатлари ваколатларининг таъин олиналганлиги тўғрисида Мандат комиссиясининг раиси, депутат Ш. Мирзиёев маъруза қилди.

Депутатлар сессия котибияти ҳақида «Рада-мажлис» овоз бериш тизимининг ишнини назорат этувчи гуруҳини туздилар.

Шундан кейин парламент Олий Мажлис раҳбариятини сайлашга киришди. Вақиллар йнгилишининг ялтимосига қўра Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Олий Мажлиси Раиси ва Раис ўринбосарлари лавозимига номзодлар буйича таклиф киритди.

Депутат Эркин Халилов Олий Мажлис Раиси этиб, депутатлар Уббинийё Аширбеков, Борис Бутров, Бўришош Шодиева, Акмалжон Қосимов Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари этиб сайландилар.

Шундан кейин сессияда Эркин Халилов раислик қилди.

Сессияда Президент Ислам Қаримов Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари тўғрисида катта маъруза қилди. Маъруза сессиянинг барча қатнашчилари ва чет эллик меҳмонлар томонидан зўр эътибор ва қизиқиш билан тинланди.

Танаффусдан кейин депутатлар парламентнинг муваққат иш тартибини қабул қилдилар, Олий Мажлисининг қўмиталари тўғрисидаги масалани ҳам қўриб чиқдилар, уларнинг раисларини сайладилар. Академик Ш. Уразаев Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари буйича вақили этиб сайланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг янги парламенти ўз ишнини давом эттирмоқда.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING РАИСИНИ САЙЛАШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:  
Эркин Қамдамович Халилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси этиб сайлансин.

Тошкент шаҳри,  
1995 йил 23 февраль

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING РАИСИ ЭРКИН ҚАМДАМОВИЧ ХАЛИЛОВ



1955 йилда Бухоро шаҳрида туғилди, ўзбек, маълумоти олий. 1977 йили Тошкент давлат университетини тугатган. Ҳуқуқшунослик фанлари номзоди. Партияси. Ўзбекистон Республика-

си Олий Мажлиси депутати.

Меҳнат фаолиятини 1977 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Киборетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси «РА-СУ» мақсус лойиҳа-қонструкторлик бюросида муҳандисликдан бошлади. 1979 йилдан 1990 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида аспирант, кичик ва катта илмий ходим, шўба мудир вази-фасини бажарувчи, Ўзбекистон халқ депутати этиб сайлангандан сўнг, 1990-1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиб масалалари қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари, 1993 йил декабрдан эса Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вази-фасини бажарувчи бўлиб ишлади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

#### У. АШИРБЕКОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ РАИСИНING ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ САЙЛАШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Уббинийё Аширбеков Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,  
1995 йил 23 февраль



#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ РАИСИНING ЎРИНБОСАРИ

УББИНИЁ АШИРБЕКОВ

1944 йилда туғилди, қоракалпоқ, маълумоти олий. 1969 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тугатган. Халқ демократик партиясининг аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати.

Меҳнат фаолиятини 1969 йили Қоракўл посёлокда қурилиш бошқармасида катта муҳандисликдан бошлади. 1970-1982 йилларда Ташкўлтур 12-қўрилиш теретия, кейинчалик Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг қурилиш ва шаҳар ҳўжалиги бўлимида ишлади. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ қурилиш вази-фасининг ўринбосари, Амударё дельтаси ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи, «Амударё» суа ҳўжалиги хўжалиги бирлашмасининг бошлиғи, 1990-1992 йилларда Ташкўлтур тумани партия қўмитасининг биринчи котиби, халқ депутатлари туман кенгашининг раиси ва кейинчалик туман ҳокими бўлиб ишлади. 1992 йилда Қоракўл-Бўристон Республикаси Жўқори Кенгашининг Раиси этиб сайланди. Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари лавозимига фаолият қўришди.

Биз ҳозир ўзгаришлардан со-

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

#### Б. И. БУТРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ РАИСИНING ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ САЙЛАШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Борис Иванович Бутров Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,  
1995 йил 23 февраль



#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ РАИСИНING ЎРИНБОСАРИ

БОРИС ИВАНОВИЧ  
БУТРОВ

1938 йилда Ашхобод шаҳрида туғилди, рус, маълумоти олий. 1965 йилда Тошкент халқ ҳўжалиги институтини тугатган. Иқтисодчи. Партияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати.

1958-1968 йилларда сўт комбинатида олдий бухгалтерининг ўринбосари бўлиб лавозимларда ишлади. 1968 йилдан бошлаб совет ва партия ишларида фаолият қўришди. 1970-1982 йилларда Ташкўлтур тумани ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, раиси, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, кейинчалик эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси савдо, режа ва молия органлари бўлими мудирининг ўринбосари, мудир лавозимларида ишлади. 1986 йилда Ўзбекистон Республикаси маънавий ҳўлат қўриш вази-фасини этиб тайинланди. 1989 йилнинг ноябриндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари бўлиб ишлади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

#### Б. А. ШОДИЕВАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ РАИСИНING ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ САЙЛАШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Бўришош Аминовна Шодиева Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,  
1995 йил 23 февраль



#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ РАИСИНING ЎРИНБОСАРИ

БўРИШОШ АМИНОВНА  
ШОДИЕВА

1955 йилда Термиз шаҳрида туғилди, ўзбек, маълумоти олий. 1976 йилда Тошкент халқ ҳўжалиги институтини битирган. Иқтисодчи. Халқ демократик партиясининг аъзоси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

1976 йилдан 1981 йилгача Сурхондарё вилояти режалаштириш комиссиясида иқтисодчилликдан комиссия раисининг ўринбосари лавозимларида бўлиб ишлади. 1981-1985 йилларда Сурхондарё вилояти партия қўмитасида инструктор лавозимига меҳнат қилди. 1987 йилдан эътиборан Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси савдо ва маънавий ҳўлат бўлимида инструктор бўлиб ишлади. Кейинчалик Сурхондарё вилояти партия қўмитаси ижтимоий-иқтисодий масалалар бўлими мудирининг ўринбосари, мудир лавозимларида фаолият қўришди. 1991 йилдан эътиборан Сурхондарё вилояти Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимига ишлади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

#### А. ҚОСИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ РАИСИНING ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ САЙЛАШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Акмалжон Қосимов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,  
1995 йил 23 февраль



#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ РАИСИНING ЎРИНБОСАРИ

АКМАЛЖОН ҚОСИМОВ

1937 йилда Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида туғилди, ўзбек, маълумоти олий. 1961 йилда Тошкент Давлат университетининг биология ва туруқшунослик факультетини битирган. Биология фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг аъзоси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

1964 йилдан бошлаб Тошкент Давлат университетининг биохимия ва биофизика кафедрасининг ассистенти, катта ўқитувчиси, доцент вази-фасини ишлади. 1969 йилда Тошкент Давлат университети биология ва туруқшунослик факультети деканининг ўринбосари этиб тайинланди. 1973 йилда эса Унмилликлар фи-зика кафедраси мудирлигига сайланди. 1976-1993 йилларда Андижон Давлат педагогика институтининг ректори, вилоят ҳокимининг ўринбосари лавозимларида фаолият қўришди. 1993 йилдан бошлаб Андижон Давлат университетининг ректори вази-фасини ишлади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ Тўғри деб топиш ҲАҚИДА

Мандат Комиссиясининг тақдимномасини қўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1994 йил 25 декабрда, 1995 йил 8 ва 22 январда сайланган Олий Мажлисининг 250 депутати ваколатлари тўғри деб топилинди.

Тошкент шаҳри,  
1995 йил 23 февраль

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ МАНДАТ КОМИССИЯСИНИ САЙЛАШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига мувофиқ Олий Мажлис депутатларининг ваколатларини текшириш учун қуйидаги 14 депутатдан иборат мандат комиссияси сайлансин:

КОМИССИЯ РАИСИ  
Мирзиёев Шавкат Миромонович

8-Тракторсозлар — Тошкент шаҳар Мирзо Улдубек тумани ҳокими

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:  
Гамбург Игорь Адольфович

130-Янгтер — Сирдарё вилояти «Голодастеперской» ҳудудий қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи

(Давоми 2-бетда)

### Ассалому алайкум, муҳтарам халқ ноиблари!

Қадри дўстлар! Авваламбор, барчангизни халқимизнинг ишончига мушарраф бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат этиб сайланганингиз билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсизлар.

Уялайманки, бугунги анжуман барчамизнинг хотирамизда фоят муҳим бир воқеа сифатида сақлана қолади.

Чунки, сизлар Ўзбекистон тарихида илк марта кўппартиявийлик ва демократик асосда ўтказилган сайловлар натижасида мамлакат парламентига аъзо этиб сайландилар.

Биринчилар қаторида бўлиш — жуда шарафли ва, шу билан баробар, жуда масъулиятли ишдир.

Мен бугун бу муҳташам залда Ўзбекистон раванки учун, халқимизга фаровон турмуш яратиш учун ўз меҳнати, ақл-заковати, истеъдоди ва салоҳиятини аямая, ҳузур-халоватдан кечиб, Ватанимизга сидқидилдан ва садоқат билан хизмат қилишга бел боғлаб, халқимизнинг эзгу ниятларини рўйга чиқаришга аҳд этган сиздай инсонларни кўришимдан ва сиз азиялар билан сафдош бўлганимдан бениҳоя хурсандман.

Азиз дўстлар! Сизларнинг сафингизда турмушнинг ағчик-чўчғини обдон татиған, бой ҳаётий тажрибалари ва оқилона маслаҳати насихатлари билан барчамизга ўрнатқ бўлиб келаятган нуруний оқоқларимиз бор.

Сизларнинг сафингизда янги тадрок ва фаолиятлари билан элга танилган ташаббускор ва тadbиркор иш одамлари бор.

Сизларнинг сафингизда илму фан, маданият ва маърифат соҳасининг энг атоқли намоёндалари борки, биз улар билан бир замонда яшаётганимиз, улар билан ёнма-ён ва ҳамнафас бўлиб меҳнат қилаётганимиздан ҳақли равишда фخر-ламанимиз.

Сизларнинг сафингизда халқимизнинг оруз-умидларини тегаранг айландиған, халқимизнинг оғирини енгил этишини муқаддас бурч деб биладиган билымдон ва қатъиятли раҳбарлар борлиги қўлимизни тоғдай кўтарди.

Ишончим комилки, сизлар, ҳурматли депутатлар, азиз дийримизнинг куч-қудрати ва шон-шўхратини юксалтириш, халқ вақили деган шарафли номни оқлаш учун фидокорона ва ҳалол меҳнат қиласизлар.

Сизларга бу олжаноб йўлда ҳамisha омад ва зафарлар ёр бўлсин.

Муҳтарам юртдошлар! Бугунги муборак кунда, яъни янги парламент — Олий Маж-

лис ўз фаолиятини бошлаган кунда, ўтган йилларда иш олиб борган собиқ Олий Кенгаш фаолиятини эслаб ўтишни барчамизнинг ватандошлик бурчимиз деб ҳисоблайман.

Адолат юзасидан айтишимиз керак: Олий Кенгаш яхши ва унумли ишлади. Олий Кенгаш ниҳоятда мураккаб даврда фаолият қўриштиб, Ўзбекистон истиклолини эълон қилиб, давлат мустақиллигининг сиёсий-ҳуқуқий асосларини, маънавий негизларини тайёрлади ва амалга оширди.

Олий Кенгаш ва Президент ҳамда мамлакат ҳуқуқати ўзаро аҳиллик билан фаолият қўришди. Жамиятда сиёсий парокандалик, бўлиниш юз бермади. Тинчлик ва тотувлик ҳукм сурди. Халқимиз жинслагиди. Давлатимиз пойдевори мустаҳкамланди. Ўзбекистон жаҳон миқдосига чиқди.

Олий Кенгаш ўз фаолиятини бошлаган пайтда собиқ Шўролар тузумининг қонунлари кучда эди.

Истиқлолга эришганимиздан кейин мустақиллик даврига муносиб янги қонунчиликни яратиш вази-фасини вуқудга келди. Собиқ Олий Кенгашимиз тайёрлаган ва қабул қилган 200 га яқин қонун ва 500 дан зиёд қарор ана шу муқаддас вази-фасининг шарафли ижроси эди.

Собиқ Олий Кенгаш мамлакатимиз тарихида биринчи бор Президентни сайлади. Мустақиллик декларациясини эълон қилди. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ҳақидаги тарихий қонунларини ва унинг асосий Қомусини қабул этди.

Булар барчаси — тарихий воқеалар. Бу воқеаларнинг ижодкори ва ижросини бўлиши Олий Кенгаш аъзоларининг фаолиятини бугун биз фخر билан эсласак арзийди.

Улар ўтиш даврининг муҳим ҳақиқати — жамиятда ўзаро тотувликни сақлаш принципини яхши англаган ҳолда фаолият юритдилар. Янги замон талабларини тўшунди, очик, демократик жамият қуриш ва эркин бозор муносабатларига ўтишга асос солувчи жуда муҳим қонунларни ишлаб чиқдилар ва қабул қилдилар.

Ота-бобимиздан қолган ўзаро меҳру оқибат тушунчасига садоқатининг навоми этиб, ўз номидан, ҳуқуқимиз номидан ва сиз, янги сайланган халқ депутатлари номидан, ваколатини топишган О











# ҚУЁШНИ ҚУТЛАШГА ЁНИБ ШОШАМАН...

## «ЖОНИМ»

Савгдор тоғидаги харсанг тоғга қиомир қатта ҳарфларда шу сўзни ёзиб кетган.

Қай бир ошиқ, суйган ёзди бу сўзни,  
Қай бир шоир, куйган ёзди бу сўзни,  
Бир қуни харсанглар тушиб кетар-ку,  
Қай жонидан тўйган ёзди бу сўзни?

Хоҳ ўтинг, хоҳ ўтманг, қонлар  
бир қошиқ,  
Дунёки, бахтлидан бахтсиз ошиқ,  
Куйганлар розини ким ҳам тингларди,  
Тоғга ёзсанми, жоним, деб ошиқ?!

Тош дилга ёздингми, тоғга ёздингми,  
Қўлардан тўқилган ёшга ёздингми,  
Ёки бир бепарво остонасига  
Минг бора урилган бошга ёздингми?

Бу ҳаёт йўқиди, қураверади,  
Ҳар ким тақдирдан қураверади,  
Суйган ҳам, суймас ҳам кетар-ку ўтиб,  
Оҳ, бу тош ЖОНИМ деб гураверади.

Ошиққа жўр бўлиб куйлайди бу тош,  
Тош дилдан зўр бўлиб куйлайди  
бу тош,  
Ўтгани, кетгани бир бор қаратиб  
Бир тутам нур бўлиб куйлайди бу тош.

Яхшиям ёзмабсан юраги музга,  
Яхшиям айтмабсан ҳазонли кузга,  
Сўзингни ёзгани жойин топибсан,  
Ўй, ошиқ, ўлим йўқ энди бу сўзга!

## КУЗГИ БОҒ

Ечинлар дарахтлар шошиб,  
Сарғади яшил қўйлақлар.

Йиғлагиси келади тошиб  
Адоғига етмас ўйлаблар.

Кеча ёниб-ёниб тикилган  
Қуёш кетар юзини буриб.  
Елғизликнинг муз панжалари  
Музлатади кўксига кириб.

Ҳар дарахтни қучиб роз айтган  
Ошиқлар ҳам отмайди қадам.  
Наҳот севги сўзидан қайтган,  
Юраклар-да музлаган бу дам?

Барглар бошин урган тупроққа,  
Изгириллар юзим тилади.  
Учраган ҳар ҳазон, япроққа  
Елғизман деб айтгим келади...

Мен дили пораман, юрагим вайрон,  
Ҳар тун қирқ жонимнинг бошин  
оламан.  
Дўстим йўқ, рақибим бу ҳолга ҳайрон,  
Тонггача қандайин тинчим оламан?

Ўчкор юлдузларнинг тўридан чиқиб,  
Ойнинг чангалидан қутилиб омон.  
Шеърнинг ҳар сатрига дилимни экиб  
Қуёшни қутлашга ёниб шошаман.

Қуёшқи, ҳаммага меҳри етали,  
Қуёшқи, ҳаммадан энг баланд тахтада.  
Нурлари жон қадар синиб кетади,  
Ўзин бахш этаркан ул Самарқандга.

Чорлар у, раҳм этмай, ожиз жонимга,  
Қўл етмас, йўл етмас, етмайди қучим.  
Ахир қандай бориб бўлар ёнига  
Қуёшга дўстман деб айтмоқлик учун.

Хосият БОБОМУРОВА.

Қамалик ишбилармон Алим-жон Чўлшевнинг гилам тўқиб ва ип йиғириш кичик корхонасини ташкил қилиш фикрини вилоят маҳаллий саноат бошқармасидагилар ва туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлади. Натيجида вилоятда биринчи бўлиб тери ошаи, теллак ва пўстилар тикши йўлга қўйилди. Яқинда кичик корхона анча кенгайтирилиб, саноат-савдо ҳиссдорлик жамиятига айлантирилди. Ҳозирда бу ерда бир қанча янги маҳсулот турлари, жумладан, қоракўш терилари ва турли мўйиналардан хотин-қизлар шубалари, болалар ва эркаклар чарм камзуллари тиклиб, вилоят аҳолисига сотилмоқда.

СўРАТДА: илгор тикуччи Гулшода Чориева.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сўрат.



## Музей иши

# ЎЗ КЎЗИНГ БИЛАН КЎРИБ КЕТГАНГА НЕ ЕТСИН

Музейлар мозий билан ҳозирги кун орасида кўприк вазифасини ўтаб келган, ҳаммиса, у олис ва яқин тарихнинг маълум мавнодаги акс-садоси ва бизгача етиб келган элчисидир. Шунинг учун ҳам музейларга таширф буюрган ҳар бир киши ўзини бир лаҳза бўлса-да ўтмишда яшайдигандай ҳис қилади, хотиралар билан ўртоқлашади, ажодларимиз турмуш тарзи билан танишади.

Шахримиздаги Соғлиқни сақлаш музейига таширф буюрган эканмиз, ана шундай ҳаёллар кўнглимиздан кечади. Ушбу музей ҳақида кўпчилик эшитган, кўпчилик эшитмаган чикар. Шунинг алоҳида айтиш керакики, у 1973 йилда Қасим Зоиров ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, Марказий Осиёда ягонадир. Музей, асосан, иктимойи гигиена ва тиббиёт тарихи залларидан иборат. Тиббиёт тарихи зали экспонатлари дастлаб мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимининг ташкил топиш тарихи, XIV-XV асрларда яшаган халқ табиблари фаолияти, республикадаги маъмурий тиббий институтлар ва техник умумлар фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

Маълумки, 1917 йили Урта Осиёда мусулмонларнинг биринчи мактаби, бироз кейинроқ эса халқ Комиссарлари Кенгаши қошида Турор Рисқулов ташаббуси билан Соғлиқни сақлаш бўлими ташкил этилган. Ҳозирги 1-Тошкент тиббиёт институти 1920 йилда Туркистон университетининг тиббиёт факультети эди. 1930 йили мустақил

либ чиқиши ва олдини олиш йўллари кўрсатиб бериши билан кимматлидир. Музейимизга келиб-кетувчилар асосан, талабалардир, — дейди биз билан суҳбатда музей директори А. Усмоновжон. — Олгани жалб этиш биринчи галдаги вазифамиз. Бунинг учун аҳоли орасида ташқириш ишлари олиб бориш, қизқарди ўрашувлар уюштириш, радио, ойнаи жаҳон, матбуотда тез-тез катнашиб туришимиз керак. Мана, Галабининг 50 йиллигига бағишлаб кўргазмалар залини ташкил этдик. Унда иккинчи жаҳон урушида катнашган шифокорлар фаолияти ҳақида маълумотлар берилган. Яқинда Базирилар Маҳкамаси томонидан музейлар фаолиятини яқинлаш тўғрисида қабул қилинган қарор айни вақтида чиқарилди деб ўйлаймиз. Шу кунларда иш услубимизни шу қарор нукта-назаридан қайтадан кўриб чиқаямиз. Музейни булуги кун талабларига жавоб берадиган даражада кўтариш мақсадида його-терапия курсини очилиши мўлжаллаб туришимиз. Бу ерда қалганлар билан ишбу курс бўйича маълумотлар ўтказилиб, шу ҳақда фильмлар кўрсатилади.

Урта аср табиблари Ибн Сино, Ал Розий ва Илоқийлар фаолиятига ҳам кенг ўрин берилган. Улар турли касалликка қарши қўлланган доривор ўсимликлар, Ибн Сино ишлатган 73 та тиббий асбоб-ускуналар ва уларга ёзилган шарҳлар диққатга сазовордир. Шу ўринда моҳир макетчи-уста Глеб Измествининг ҳаммадиларини эслатиб ўтиш жоиздир. Айни пайтда макетнинг иккинчи нусхаси Бухоро ўлкашунослик музейига сақланмоқда.

Иктимойи гигиена залига кирган одамнинг кўзи, энг аввало, электрли ишча одам гавдасига тушади. Нобэ экспонат 1973 йили Германиянинг Дрезден шаҳридан олиб келинган бўлиб, Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. У инсон организмнинг жойлашиш тартиби (анатомия), касалликнинг ке-

Файзулло БОБО ДУСТ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## “Ўзбекмазсервис”

Ўзбек-Белорусь қўшма корхонаси Тошкентдаги омбордан турли моделдаги «МАЗ» русумли автомобиллар, МТЗ-80 тракторларини сотади. Пул ўтказиши йўли билан сўмда ҳисоб-китоб қилинади. Мавоза усулини қўллаш мумкин. Бизни қуйидаги маҳсулотлар қизиқтиради (мавоза усулида): пахта, гуруч, томат пастаси.

**Манзилимиз:**  
Тошкент ш., 8 март кўчаси, 57.  
Тел.: 91-68-94, 91-64-06.  
Факс: (3712) 91-64-06.

## Қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ҳамда тартибда сўт ва гўшт маҳсулотлари етиштирувчилар диққатига!

Сизлар учун “Озод” аранда хўжалиги пул ўтказиши ёки нақд пулга келишилган нархларда 1994 йилда етиштирилган, “Тошкент-1” навли беда уруғини таклиф қилади. Энг кам сотиш миқдори — 50 кг. **Мурожаат учун манзилгоҳ:** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Селекция” маҳалласи, академик Мираҳмедов кўчаси, 1 кotteж 2-уй. Телефон: 60-35-77.

## “Савдосервис”

жамоа корхонаси ташкилотларга қуйидаги маҳсулотларни пул ўтказиши йўли билан сотади:

- Европа ассортиментидаги чинни идишлар
- Осиё ассортиментидаги чинни идишлар
- электр машиши-хўжалик моллари
- идора мебеллари
- ошхона мебеллари
- эмал идишлар
- шиша идишлар
- гилам маҳсулотлари
- юмшоқ инвентарлар
- ҳар хил хўжалик моллари
- иш кийимлари

**Телефонлар:** 90-43-05, 90-43-09, 90-43-07, 90-40-37.  
**Факс:** (3712) 90-43-11.

## Фирма туристик саёҳат уюштиради:

Францияга /Лувра, Мум шакллар музейига ва бошқа эътиборга молик жойларга таширф билан/ 7 кун;  
автомобиллар харид қилиш учун Германияга 15 кун;  
Араб Амирликларига 7 кун;  
Малайзия ва Сингапурга 7 кун;  
Эронга 7 кун;  
Таиландга 12 кун муддатга.

## Бизнинг баҳомиз Сизга маъқул бўлади.

**Мурожаат қилинг:**  
Ўзмаҳсулхорижсайёҳ” фирмаси:  
тел.: 78-45-16, 78-21-05 ёки қуйидаги манзил бўйича: Қатортол кўчаси, 38-уй, ЎзГИИТИ биноси, 405-хона.

«Ўзбексавдо» давлат уюшмаси жамоаси ҳукуий бўлим ходими Э. Мирбобоева оналари Нифоит ва АХМЕДОВАнинг вафоти муносибати билан чўқур ҳамдирлиқ изҳор қилади.

Тошкент молия институти ҳузуридаги молия-банк ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти жамоаси институтининг давани, доцент Абдурауф Музаевга оналари **Мирўба анинг** вафот вафот атрағини муносибати билан чўқур таъзия билдиради.

## КИЧКИНТОЙЛАРГА АТАБ

Бухоро шаҳрида «Соғлом авлод учун» жамгармасининг вилоят бўлими ташаббуси билан 4-болалар поликлиникаси қайта таъмирланиб кундузи болалар шифохонаси сифатида иш бошлади.

50 уринга мўлжалланган бу шифохона 2-3 кишилик хоналарга ажратилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Энди ушбу масканда кичкинтойларга беминнат хизмат кўрсатилади.

Матнон ОТАБОЙ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ҚИММАТБАҲО СОВРИНЛАР СОҲИБИ БЎЛИШДИ

Қашқадарё вилоятида халқ дасталари, вокал-чолғу, қўшиқчилик санати, рақс ҳамда эстрадаи янада ривож топтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Яқинда халқ дасталарининг кўриги бўлиб ўтди. Таниқли санъаткорлар, мутахассислардан иборат ҳакамлар Фузор туманининг «Нарғиз», «Хушрўй», Китоб туманидаги «Сало» халқ дасталарининг фаолиятига юксак баҳо бериб, ушбу жамоаларнинг репертуари янги-янги халқ севган куй ва қўшиқлар ҳисобига бойитилди. Фаолиятини алоҳида қайд этиб ўтдилар. Фолиблар қимматбаҳо совринлар соҳиб бўлишди.

П. ГАДОВЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Дўстлик мевалари

Тожикистон ҳудудидаги Мирзо Турсунзода номи алюмин заводининг захрини «кесиб» тўғрисидаги Ўзбекистон-Тожикистон ҳукуматлари Битими имзоланди.

Сурхондарё вилоятининг ҳаммисабаҳор боғлари, гуркираган шаҳар ва қишлоқлари билан Тожикистоннинг афсонавий Ҳисор водийсини тоғ тизмалари ажратиб туради. Дарвоқе, ана шу туташ водийларда ночор, «Ўзга юртга юзланган» Мирзо Бобурнинг она юрт тупроғидаги сўнгги излари қолган...

Бу табаррук ерлар ўзининг ипак пахтаси билан, тиниқлигидан ҳар донасининг юраги кўриниб турадиган Дашнобод анорлари билан ети иқлимга машҳур бўлган. Булоқларидан сув ичган йиғит-қизлар кўркамликда бир-бирига йўл бермайдиган даражада, Тановори тоза ёшлар ана шу тарафларда етилади...

Нима бўлди-ю, Тожикистон алюминий заводини ана шу Ҳисор тизмалари ёнига қўндириди: Мирзо Турсунзода шаҳри биқинида қад кўтарди. Вақт ўтгани сари, аввал корхона атрофларидаги, бора-бора эса узоқ-яқиндаги қишлоқларнинг яшноқ ранг-рўйи сарғайиб кетди. Энди гални тоғнинг бу тарафдаги — Сароисийё билан Узун туманлари ҳолидан эшитинг. Завод бурқитган тутун-

жалик фаолиятига зарар етказмаслиги кераклигини англаб; — экология муаммоларини ҳал этиш учун саъй-ҳаракатларни бириштиришга интилиш; — ўз амалий фаолиятида Мустақил

## АЛЮМИН ТУТУНИ ЖИЛОВЛАНАДИ

Давлатлар Ҳамдўстлиги қатнашчилари бўлган давлатлар ҳукуматлари бошлиқларининг Кенгаши мажлисида 1992 йил февраль ойида қабул қилинган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикасининг тегишли қонунларида амал қилиб, томонлар 8 моддан иборат Битим имзоландилар.

Унда, жумладан, Тожикистоннинг минтақа атроф-муҳитига салбий таъсирини пасайтириш муаммолари бўйича ягона келишилган илмий-техникавий дастур ишлаб чиқиш; техник-алюминий ишлаб чиқаришда чиқадиган зарарли моддаларни ту-

тиб қолиш ва улардан фойдаланиш; фторли водород, олтингурут диоксиди ва азот оксидининг иссиқ иқлим шароитида организмга, мевасабзавот, техник экинлар ва уй ҳайвонлари учун экологик меъёрларини белгилаш; ТожаЗнинг салбий таъсири зонасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш каби тадбирлар белгиланди. Битимда Тожикистон ТожаЗ чиқиндиларининг салбий таъсири зонасида атмосфера ҳавоси ифлосланишини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ва иккинчи томонга етказилган иқтисодий зарарни маблағ билан таъминлашни ўз зиммасига олди.

Ушбу Битим уч йиллик даврга тузилди. Томонларнинг розилиги билан келажакда у беш йиллик муддатга узайтирилиши мумкин. Мазкур Халқаро ҳужжат икки мустақил республика ҳукуматларининг халқлар ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлаш борасидаги муҳим тадбирлари сирасига кирди. Мукаррама МУРОДОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**MAZDA**  
  
626 Седан  
2000cc, 16v  
DOHC мотор  
- маъкалий қўқулаш;  
- автоматик эрик ойналари;  
- гидравлик бошқарув.  
Тел.: 41-40-05, 41-38-14, 33-43-73  
Тошкент шаҳри, М.К. Отатурк кўчаси, 23.  
**Anadolu Ltd.**

**ХАЛҚ СЎЗИ**  
**НАРОДНОЕ СЛОВО**

Бош муҳаррир:  
Анвар ЖҲРАБОВ.

• **БҮЛИМЛАР:**  
Парамент 33-57-34;  
Халқлар 33-07-48;  
Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;  
Иқтисодий 32-36-65;  
Маънавият 32-35-60;  
Ахборот 32-29-89;  
Тўғи муҳарририят 33-10-28.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.  
Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов.  
Навбатчи — Б. Остонақулов.